

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О'ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

6 / 2012



МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

Б. Назаров. Давр ва мунаққид	3
Р. Баракаев. Болалар адабиётини гуруҳлаштириш хусусида	11

Тилшунослик

Д. Худойберганава. Ўшатиш мазмунини ифодаловчи матнлар	15
М. Миртожиев. Уюшиқ бўлақлар интонацияси	18

Илмий ахборот

Қ. Эргашев. XVI аср I ярмида тарихий наср хусусиятлари	24
Г. Халлиева. "Бобур газаллари семантикаси"га оид тадқиқот	29
О. Сафаров. Фитратнинг бир очиқ хати ҳақида	32
Ш. Норалиева. Сехрли эртақларда бўри образи	35
З. Мамажонов. Ружуъ ва ташбеҳ муносабати	39
Ш. Имомназарова. Ўланларнинг ўрганилиши ҳақида	41
Д. Жалилова. Тошқиннинг ҳаёти ва ижодий фаолияти	43
З. Аҳмедова. "Минг бир кеча"нинг яратилиш тарихи ҳақида	46
Ш. Ҳасанова. Хиромийнинг "Тўтинома" достони	50
Ў. Назаров. "Минг бир қиёфа" романида бадиий хронотоп	52
Д. Эшқувватова. "Тўрўғли" достонида анъана ва индивидуаллик	56
Ҳ. Асланова. Гадий тўртликларининг жанрий хусусиятлари	59
Ё. Одилов. Энантисемиянинг симметрик ва асимметрик жиҳатлари	61
М. Абдиев. "Девону луғотит турк"да қўлланган шахс номлари	65
Е. Ширинова. Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари антонимияси	68
О. Жумаев. Реклама матнларида неологизмларнинг ўрни	70
Г. Жуманазарова. "Нурали" достонидаги айрим сўзлар лингвопоэтикаси	73
А. Муҳаммаджонов. "Қанг" макротопоними	76

Фанимиз заҳматкашлари

Э. Бегматов, А. Рамазонава, Н. Маҳкамов. Зокир Маъруфов	80
Э. Умаров, А. Мадалиев. Саидфозил Ақобиров	82
С. Олим. Ғайбулла ас-Салом	85

Танқид. Такриз. Библиография

У. Расулова. "Ўзбек адабий танқиди тарихи"	89
М. Абдиев, Ҳ. Бердиев. Зомин этнографиясига оид тадқиқот	90

Мерос

Маҳдуми Аъзам. Убайдий рубойлари шарҳи	91
--	----

Муҳокама. Мунозара

Н. Жумахўжа. Илмдаги аниқлик – кашфиётлар омили	100
---	-----

Илмий ҳаёт

Тилшунослар анжумани	105
Наим Каримов таваллудининг 80 йиллиги	105
Хотира-анжуман	106
Мақсуд Абдурахимов	107

Екатерина ШИРИНОВА

ЎЗБЕК ТИЛИДА БАНК-МОЛИЯ ТЕРМИНЛАРИ АНТОНИМИЯСИ

Антонимия ҳодисаси инсон ижтимоий ва ақлий фаолияти натижаси сифатида тил бирликлари орасидаги энг фаол муносабатлардан биридир. Антонимларга бериладиган умумий таъриф: антонимлар – қарама-қарши маъноли сўзлардир. А.А.Реформатский антонимик муносабатлар “тушунчалар қарама-қаршилигига” асосланишини таъкидлаб, антонимия ҳодисасига шундай изоҳ беради: “Антонимлар – қарама-қарши маъноли сўзлардир. Бу ердаги муносабат соф семасиологик бўлиб, у тушунчаларни қарама-қарши қўйишга асосланади”¹. Мазкур масала юзасидан Н.С.Трубецкой: “Солиштирилиши учун ҳеч қандай асос бўлмаган, яъни бирорта умумий белгига эга бўлмаган иккита нарсани бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди”², – деб таъкидлайди.

Антонимия тушунчалараро муносабат бўлганлиги учун лексема ва терминга тааллуқдир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим тилшунослар талқинида антонимия ҳодисаси терминологияни система сифатида белгиловчи омиллардан биридир³. Терминологияда антонимия терминологик майдоннинг чекка нуқталарини белгилаб олишга, терминологик системанинг мантиқий имкониятларини аниқлашга ёрдам беради⁴.

Ўзбек тилидаги банк-молия терминлари а) компонентлари бир сўздан иборат бўлган (бир компонентли) *импорт – экспорт, сотувчи – харидор* (мазкур жуфтлик шундай номлар билан аталувчи шахсларнинг фаолияти жиҳатидангина антоним бўла олади, шунга қарамасдан айрим тадқиқотларда ушбу терминлар антонимик жуфтлик сифатида изоҳланади⁵), *макроиқтисод – микроиқтисод, актив – пассив*; б) компонентлари бир нечта сўздан иборат бўлган (кўп компонентли): *текис талаб – нотекис талаб, барқарор валюта – беқарор валюта, моддий активлар – номоддий активлар* каби антонимик жуфтликларни ҳосил қилади.

Бир компонентли антонимотерминларни ўз қисмларининг ички тузилиши жиҳатидан *туб терминлараро, туб ва ясама терминлараро, ясама терминлараро* сингари антонимик гуруҳларга ажратиш мумкин. Туб сўзлардан иборат компонентларни “Т” ва ясама сўзлардан иборат компонентларни “Я” тарзида белгилаб оладиган бўлсак, антонимик жуфтликларни қуйидаги формулалар билан акс эттириш мумкин:

1. Т – Т, бунда туб термин билан туб термин антонимик жуфтликни ҳосил қилади. Бу гуруҳда ўзбек тилига мансуб банк-молия терминлари билан биргаликда халқаро терминлар асосида юзага келган жуфтликларни ҳам учратиш мумкин. Масалан: *актив – пассив: актив – 1) маълум бир санага пул кўрсаткичида корхонанинг маблағлари, уларнинг таркиби ва жойлашишини акс эттирувчи бухгалтерия балансининг бир қисми*⁶; 2) корхона, ташкилот, компанияга тегишли бўлган мол-мулк ва пул воситалари йиғиндиси⁷; *пассив – 1) бухгалтерия балансининг бир қисми бўлиб, унда корхона маблағлари*

¹ Реформатский А. А. Введение в языкознание. М., 1967. С.95.

² Трубецкой Н. С. Основы фонологии. М., 1960. С.75.

³ Шетле Т. Англоязычная терминология банковского дела в языковой системе и речевой практике. КД. М., 2010. С.106.

⁴ Суперанская А. В., Подольская Н. В., Васильева Н. В. Общая терминология. Вопросы теории. М., 1989. С.52.

⁵ Абдуллаев Ч. С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. КД. Ташкент, 2000. С. 86.

⁶ Сотиболдиев А., Сотиболдиева Д., Шодибекова Д. ва бошқ. Бухгалтернинг изоҳли лугати. Тошкент, 2010. 9-бет.

⁷ Благодаткин А., Лозовский Л., Райзберг Б. Финансовый словарь. М., 2006. С.10.

ташқил бўлиш манбалари ва тайинланиши кўрсатилади⁸; 2) ташкилотнинг қарз ва мажбуриятлари йиғиндиси⁹.

Антонимик жуфтлик қисмларининг маънолари солиштирилганда, ҳар иккала терминнинг иккинчи маънолари орқали қарама-қаршилик аниқ ифодаланганлигини кўрамиз.

Импорт – экспорт: *импорт* – мамлакатда фойдаланиш учун чет элдан сотиб олинган товар ҳамда хизматлар в/б бойликларнинг мамлакатга олиб кирилиши; *экспорт* – хорижий харидорларга сотилган товар, капитал ва хизматларнинг чет элга олиб чиқиб кетилиши¹⁰.

Дебет – кредит: *дебет* – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. *Актив* счётларнинг дебети бўйича ҳисоб объектининг *кўпайиши* акс эттирилади, *пассив* счётларнинг дебети бўйича эса *камайиши* ёзилади.

Кредит – бухгалтерия ҳисоб счётининг бир қисми. *Актив* счётларнинг кредити бўйича ҳисоб объектининг *камайиши*, *пассив* счётларнинг кредити бўйича эса ҳисоб объектининг *кўпайиши* акс эттирилади¹¹.

Инфляция – дефляция: *инфляция* – қоғоз пулларни товар муомаласи талаб қилгандан *ортиқ миқдорда чиқаришининг* иқтисодий натижаси. Инфляция натижасида қоғоз пулларнинг *қадри тушиб кетади*. Кенг истеъмол буюмларининг *нарх-навоси ошиб*, реал иш ҳақи камаяди¹²; *дефляция* – муомаладаги ортиқча пул чўғини *камайтириши*. Пулнинг *харид қобилияти кўтарилиши* ёки *нархнинг умумий даражаси пасайиши* (Юқорида келтирилган мисоллар халқаро антонимик жуфтликлар бўлганлиги учун уларга изоҳ берилди).

Даромад – харажат (*кирим – чиқим*, *келим – буромад*), **насия – нақд**, **фойда – зарар**, **талаб – таклиф** ва бошқалар эса ўзбек тилида мавжуд бўлган антонимик жуфтликлардир. Мазкур гуруҳга малсуб қар икки тоифадаги терминлар ўзбек тилининг банк-молия терминологик тизимидан мустаҳкам ўрин эгаллаган ва соҳа мутахассислари томонидан кенг истеъмолда қўлланади. Т – Т моделидаги антонимик жуфтликлар банк-молия терминлари орасида бошқа моделдаги жуфтликларга нисбатан кўпроқ учрайди.

2. Т – Я, бунда туб термин билан ясама термин ўзаро антонимик муносабатга киришади. Бу типдаги терминлар жуда кам миқдорда учрайди. Масалан: **резидент – норезидент**. Ҳосил бўлиши: Т – Я (префикс+Т). Таҳлиллар жараёнида бундай типдаги антонимотерминларнинг ўзга тил элементлари ҳисобига ҳосил бўлганлиги маълум бўлади. Бундай жуфтликлар асосан тайёр ҳолатда ўзлашган бўлиб, тавсия қилинаётган моделлар нафақат ўзбек тили банк-молия терминологиясида, балки бошқа хорижий тилларда ҳам мавжудлигини кўриш мумкин: (*листинг – делистинг*, *вальвация – девальвация* ва ҳоказо).

3. Я – Я; бунда ясама термин билан ясама термин орасида антонимик муносабат юзага келади. Маълумки, тилшўносликда сўз ясаллишининг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, аффиксация энг фаол усулдир. Мазкур усул ёрдамида ҳосил қилинган антонимик жуфтликларда ҳам маънони қарама-қаршилантитувчи префикслар ўзга тил элементлари эканлигини ва бундай терминлар дрім калъка усули билан ўзлаштирилганлигини мисоллар орқали аниқроқ тасаввур қилиш мумкин (*микрошароит*^{микросреда} – *макрошароит*^{макро-среда}, *микроиқтисодиёт*^{микроэкономика} – *макроиқтисодиёт*^{макроэкономика} каби).

Кўп компонентли антонимотерминларни шакллантирувчи қуйидаги моделлар мавжуд:

⁸ Сотиболдиев А., Сотиболдиева Д., Шоанибекова Д. Кўрсатилган лугат. Тошкент, 2010. 168-бет.

⁹ Благодаркин А., Лозовский А., Райзберг Б. Кўрсатилган лугат. С.200.

¹⁰ Қаранг: Финансовый словарь. А. Благодаркин, А.Лозовский, Б.Райзберг. М., 2006. С. 122, 281.

¹¹ Сотиболдиев ва б. Кўрсатилган лугат. 79, 134-бетлар.

¹² Сотиболдиев ва б. Кўрсатилган лугат. 101-бет.

1. АБ – а+АБ, бу ерда А ва Б лар ҳар иккала компонентда такрорланувчи бир хил терминлар, а эса иккинчи жуфтликнинг биринчи компонентига қўшилувчи префикс бўлиб, антонимияни айнан шу префикс ҳосил қилади. Масалан: текис талаб_Б – но_А + текис талаб_Б, моддий активлар – номоддий активлар ва ш.к.

2. АС – БС, бунда жуфтлик қисмларининг биринчи компонентлари орасидаги антонимия (А – Б) бирикмали терминлар антонимияси юзага келтирган: кам тўламоқ_С – ортиқча тўламоқ_С, тўланган капитал_С – тўланмаган капитал_С, дебет қолдиқ_С – кредит қолдиқ_С, олдинги назорат_С – кейинги назорат_С ва ш.к.

3. САБ – ДАБ, бунда АБ лар жуфтликнинг ҳар иккала қисмида такрорланиб, антонимияни ўзаро қарама-қарши маъноли С – Д лар ҳосил қилади: ички яроқсиз маҳсулот_Б – ташқи яроқсиз маҳсулот_Б ва б.

АБ – а+АБ, АС – БС ҳамда САБ – ДАБ модель компонентлари, яъни А – Б, А – С, Б – С лар орасидаги муносабатларни таҳлил қилиш натижасида уларнинг аксарият қисми (кам тўламоқ – ортиқча тўламоқ каби лар бундан мустасно) ўзаро сифатловчи ва сифатланмиш муносабатида эканликларини кўрамыз. Масалан, жорий^{қандай?} активлар^{нималар?}, тўланган^{қандай?} капитал^{нима?} ва б.

Банк-молия терминлари антонимияси ўрганилганда, уларнинг тузилиши ва ҳосил бўлиш жараёнлари ранг-баранг ва анча мураккаб эканлиги аниқланди.

Ориф ЖУМАЕВ

РЕКЛАМА МАТНЛАРИДА НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар энг аввало лексикада ўз ифодасини топади. Лексиканинг бойиб бориши тилдаги бошқа унсурларга қараганда бирмунча фаолдир. “Маълумки, сўз нутқ тизимида эшитилар экан, айти сўз англаган денотат ҳақидаги образ тингловчи ёки ўқувчи онгида тасаввурлар орқали тикланади, сўзнинг сигналлар сигнали эканлиги ҳам шунда”¹. Бу ҳолат реклама матнларида қўлланилган янги сўзлар, янги тушунчаларга ҳам боғлиқ.

Маълумки, неологизмлар тил лексик системасининг ривожланиш тамойилларини ўзида гавдалантирувчи муҳим қатлам бўлиб, адабий умумистеъмодаги лексикани тўлдириб, такомиллаштириб туришнинг асосий манбаи саналади².

Лингвистик жиҳатдан янги бирликлар ва бирикмалар, яъни неологизмлар реклама матнларида кенг қўлланади. *Бонус, онлайн, интернет-трафик, калорифер, пеноблок, пенобетон, композит* каби неологизмларнинг маъноси барча адресатларга таниш бўлавермайди. Масалан,

“*Xorijqurilish texnologiya*” kompaniyasi

Yangi texnologiya

Uy devorlari qurilishlari uchun

PENOBETON

PENOBLOK

Olmoniya texnologiyasi asosida ishlab chiqiladi

Tel: 237-48-43

www.xorijqurilish.ni.UZ

(пеноблок ва пенобетондан қилинган янги бино тасвири)

¹ Ш а м с и д д и н о в Х. Номлаш ва тасаввурлар ассоциацияси // Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари (илмий тўплам). Тошкент, 2011. 29-бет.

² Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981. 157-бет.